

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕСНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Махмудова Дилбар Рахмоновна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7298271>

Аннотация. Мақолада кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришида давлатнинг тартибга солиши ва қўллаб-қувватлаши чоралари тизими хусусида сўз юритилган бўлиб, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жараён таҳлил қилинган. Соҳани рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантиришида хориж тажрибасининг аҳамияти ва олимлар қарашлари ўрганилган. Мавзу юзасидан назарий ва амалий аҳамиятга молик тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: кичик бизнес, рақамли иқтисодиёт, давлат томонидан қўллаб-қувватлаши самарадорлигини баҳолашининг анъанавий ва инновацион ёндашувлари.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ И ПОДДЕРЖКИ МАЛОГО БИЗНЕСА

Аннотация. В статье рассказывается о системе государственного регулирования и мерах поддержки в совершенствовании управления малого бизнеса. Анализируются экономические, социальные и политические процессы. Изучено зарубежный опыт и взгляды ученых на развитие отрасли в условиях цифровой экономики. Разработаны предложения и рекомендации, имеющие теоретическое и практическое значение.

Ключевые слова: малый бизнес, цифровая экономика, традиционный и инновационный подходы к оценке эффективности государственной поддержки.

FOREIGN EXPERIENCE IN REGULATING AND SUPPORTING SMALL BUSINESS BY THE STATE

Abstract. The article talks about the system of state regulation and support measures in improving small business management, and analyzes the economic, social, and political process. Foreign experience and views of scientists were studied in the development of the field in the conditions of the digital economy. Proposals and recommendations of theoretical and practical significance have been developed.

Keywords: small business, digital economy, traditional and innovative approaches to evaluating the effectiveness of state support.

КИРИШ

Мамлакатимизнинг мустақиллик давридан бошлаб кичик бизнесни ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий йўналишларидан бирига, иқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим омилига айланди. Иқтисодиётимизни либераллаштириш, модернизациялаш, диверсификациялаш ва унинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлашда кичик бизнеснинг ўрни ва аҳамияти тобора кучайиб бормоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли мавжуд бўлмаган бўлсада, давлатнинг бу соҳада ярататган имкониятлари ва ҳаётга тадбиқ этаётган оқилона сиёсати натижасида ҳозирги кунга келиб тадбиркорлик субъектларининг 90 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

соҳасининг ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, мамлакат жами аҳолисининг 5 миллиондан кўпроғи шу соҳада банд ва унинг асосий қисмини ёшлар ташкил қиласди.

Иқтисодиётнинг ўсиши, бюджетнинг даромади, аҳоли фаровонлиги лўнда қилиб айтганда, мамлакат тарракқиёти қўп жиҳатдан тадбиркорлар ва тадбиркорликнинг дастлабки бўғини бўлган кичик бизнесга боғлиқ.

Айниқса, рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда давлатнинг тартибга солиш ва қўллаб-куватлаши стратегик сиёсатининг долзарб вазифалардан бирига айланди. Бу борада Президент Ш.Мирзиёевнинг ўз нутқида “Биз қанча маблаг берганимиз, шарт-шароит яратганимиз билан раҳбарлар дунёқарашини ўзгартириб, тадбиркорлар билан янгича ишламасак натижа бўлмайди. Тадбиркорларни қўллаб-куватламасак, шароит яратмасак, қўпайтирмасак маҳаллий бюджет, ишчи ўринлари, ЯИМ ва барқарор ўсиш бўлмайди” деган сўзлари фикримизнинг исботидир.

Кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда давлатнинг тартибга солиш ва қўллаб-куватлаш чоралари тизими негизида бир қатор қонун ва қонун ости хужжатлар ўз самарасини бериб, соҳанинг янада ривожланишига сабаб бўлди. ЯИМ ҳажмини 2030 йилга бориб 2 баробарга қўпайтириш мақсадини амалга оширишда ҳам кичик бизнес имкониятларидан фойдаланиш марказий ўринга чиқди. Шуниси диққатга сазоворки, охирги уч йилда соликлар тури 16 тадан 9 тага қисқартилилди ва 5 йил ичida мамлакатимизда ёш тадбиркорлар сони 5 баробар қўпайиб, уларнинг сони 500 мингдан ошди.

Тадбиркорлардик субъектларига берилаётган имтиёз ва қулайликларга қарамасдан, соҳада ечилиши зарур бўлган муаммолар қўп. Хўш, тадбиркорликни ривожлантиришда қандай тўсиқ ва муаммолар мавжуд?

Бугунги кунга қадар энг долзарб муаммоларни тизимлаштириб, уларни ҳал этишга қаратилган 7 та муҳим йўналиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Бу йўналишлар жумласига қуйидагилар киради: Бизнесни молиялаштириш ва молия кредит масалалари; солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юкини имкон қадар камайтириш; тадбиркорларга ер ажратиш; бизнес учун зарур бўлган инфратузилма муаммолари; экспортиёр корхоналарни қўллаб-куватлаш, кичик бизнесни экспорт фаолиятига кенг жалб этиш; худудлараро савдо ва кооперация алоқаларини боғлашда транспорт-логистика масалалари; тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, соҳадаги тартиб-тамоилларни соддалаштириш, хусусий мулк дахлсизлиги кабилар. Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнеснинг яшовчанлик цикли, рақобатбардошлигини оширишда ва бошқарувини такомиллаштиришда ҳам аввало, ана шу муаммолар юзасидан чора-тадбирлар кўрилиши лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-куватлаш ва тартибга солиш механизми бир қатор тадқиқотчilar томонидан ўрганилган. “Давлатнинг иқтисодиётда содир бўлаётган жараёнларга таъсирини камайтириш, яъни бунда давлат назорати механизmlарини такомиллаштириш орқали рухсат бериш тартиб-тамоилларига оид айrim давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш; давлат иштирокидаги бизнес тузилмаларнинг ташкил этилишини чеклаш; маҳаллий маҳсулотлар экспорт ҳажмини ошириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, мамлакатнинг инвестицион ва туристик жозибадорлигини ошириш; илғор ғоя, ноу-хаулар яратиш ва “ақлли”

технологияларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган иқтисодиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш” каби тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги келтирилган.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Кўплаб тарақкий этган мамлакатлар кичик бизнесининг динамик ривожланишида давлатнинг тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизими анча тўғри йўлга қўйилган. Иқтисодий барқарорликка эришишда кичик бизнеснинг ривожи бевосита бу соҳани қўллаб-қувватлаш ва тўғри назорат қилиш тизимиға боғлик экан, бу ўз навбатида жаҳондаги кўплаб олимларни изланишга ундамоқда. Жумладан, Б.Г.Ясина, А.Ю.Чепуренко, В.В.Буева, Е.И.Левина, Р.Б.Гамидуллаев, В.В.Алешенко, В.В.Карпова, О.В.Глеба, С.В.Шпека, Н.В.Быкова, Стив Милано ва маҳаллий олимлардан, А.Абдуллаев, Қ.Муфтайдинов, Б.К.Фойибназаров, Ҳ.Ў.Рахмонов, У.В.Гафуров, М.Эшов, О.Т.Сатторкулов, Т.Ж.Мухаммадиев кабиларнинг айнан шу йўналишдаги илмий тадқиқот ишлари соҳанинг такомиллашувида катта аҳамиятга эга.

Хусусан, кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизимининг шаклланиш босқичлари россиялик иқтисодчи В.Н.Быкова диссертация тадқиқотида бевосида 4 та даврга ажратилди. Дастробаки давр, хориж давлатларида 1929-1938 йилги инқирозга қарши чоралари ишлаб-чиқилганидан сўнг, турли мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш воситалари шаклланди. Иккинчи давр XX асрнинг иккинчи ярмиға тўғри келиб, дунёнинг ривожланган мамлакатлари Япония, АҚШ, Фарбий Европада бошланган. Бу даврда кичик бизнесни ривожлантиришга ваколатли давлат органлари, давлат аппарати ва маҳсус бошқарув органлари шакллантирилиб, кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи давлат инфратузилмаси яратилган.

Хорижий иқтисодчиларнинг фикрига кўра, АҚШ, Япония, Германия, Италия, Корея, Дания, Буюк Британия, Франция, Мексика, Чили, Бразилия каби мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг давлат дастурлари муваффақиятли тарзда амалга оширилаяпти. Ушбу мамлакатларда янги иш ўринларини яратиш ва инновацияларни қўллашга мойиллик кичик бизнесда юқори бўлганлигидан, унинг ривожланишига шарт-шароитларни яратиш устувор вазифалардан бирига айланган. XX асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йилларнинг ўрталарига қадар, энг ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик анча жадал ривожланди. Аммо, унинг ривожланиши жуда мураккаб шароитларда амалга оширилди. Кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда асосан Буюк Британиянинг савдо ва саноат Вазирлиги фаоллик кўрсатиб, бу вазирлик таркибида «Кичик бизнес учун хизмат кўрсатиш» (The Small Business Service – SBS) агентлиги ташкил этилган. Кичик бизнес фаолияти учун SBS молиявий таъминлаш, ахборот алмашиниш, маслаҳат бериш, техник жиҳатдан қўмаклашиш ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириб боради.

Шунингдек, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кичик бизнеснинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи давлат органлари (АҚШ – SBA, Администрация, Миллий илмий фонд, Буюк Британияда – “Кичик бизнесга хизмат кўрсатиш миллий Агентлиги” (SBS), Германияда – “Кичик ва ўрта бизнес бош Директорати” (DG VIII), Японияда – “Кичик ва ўрта тадбиркорлик Агентлиги” (SMEA), Венгрияда – “Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Миллий кенгаш”, Полъшада – “Кичик ва ўрта тадбиркорлик департаменти”, Кореяда – “Кичик ва ўрта бизнес администрацияси”)ни киритиш мумкин.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Хорижий мамлакатларда кичик бизнесни хар томонлама қўллаб-қувватлашнинг пухта ишлаб чиқилган тизими мавжуд бўлиб, бу тизим иқтисодиётнинг глобаллашуви, жаҳон молиявий-иқтисодий муҳитининг барқарор тараққий этишини таъминлайди. Бу ислоҳотлар натижасида, умумий ҳисоб-китобларга кўра ривожланган давлатларда тадбиркорлик субъектлари жами корхоналар сонининг 90 фоиздан зиёдини ташкил этиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 50 фоиздан ортиғини иш билан таъминламоқда.

Бундай ҳолат эса давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмининг тўлақонли ривожланганинги англатади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кичик бизнес корхоналарининг кенг қўлламли ривожланиши ва уларнинг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор самарали чоратадбирлар ишлаб чиқилган.

Жаҳон тажрибасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг асосий хусусиятлари

Асосий хусусиятлар	Асосий хусусиятларнинг қайси давлатларга хос эканлиги
Янги маҳсулот ва технологияларни ишлаб чиқариш харажатларини 50 фоизгача тўғридан-тўғри молиялаштиради (субсидиялар, заёмлар)	Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатлар
Фоизсиз ссудалар тақдим этилади	Швейцария
Дотациялар берилади, кичик бизнесга кредитлар ажратишида венчур фондларидан самарали фойдаланилади	Амалда барча ривожланган мамлакатлар
Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишига жорий этилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида венчур молиялаштириш фондлари ташкил этилади	АҚШ, Англия, Германия, Франция, Швейцария, Нидерландия
Якка тартибдаги кашфиётчилар учун давлат божлари пасайтирилади	Австрия, Германия, АҚШ, Япония
Кашфиётлар энергияни тежашига қаратилган бўлса, давлат бошларини тўлашдан озод этилади	Австрия
Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўйича патентлар олишда божлардан озод этилади.	Нидерландия, Германия, Япония
Махаллий ишлаб чиқарувчилар соликка тортишдан озод этилади, соликлар фақатгина экспорт қилишда солинади	Хитой
Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш (бозорга чиқишида, шериклар топишда, ахборот билан текин таъминлашда, имтиёзли нархда ижарага бино ва иншоотлар, керакли асбоб-ускуналар тақдим этиш)га алоҳида эътибор қаратилади	Буюк Британия, Италия
Тадбиркорларга фаолиятининг дастлабки икки йилида фоизсиз кредитлар берилади, кейинги йилларда эса жуда паст ставкаларда йиллик фоизлар ундирилади	Германия
Кичик бизнеснинг сугурта қилинмаган зарарларини қоплаш учун ёрдам пули берилади.	

Ёрдам пули инновацияларнинг хавфли лойиҳаларини қоплайди. Давлат банк кредитларини олишда кафил сифатида қатнашади.	АҚШ
---	-----

Жадвални таҳлили шуни кўрсатдики, кичик бизнесни инновацион такомиллаштириш масаласи иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бундан анча йиллар олдин стратегик вазифа сифатида мақсад қилинган ва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини тобора ошириб бормоқда. Айниқса, ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида бу сектор давлатнинг оқилона сиёсати ва кўмагига муҳтож бўлиб, унинг инновацион фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш муҳим вазифалардан эканлигини хориж тажрибаси яққол исботлайди.

Умуман олганда, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини баҳолашнинг хорижий усуллари иккита ёндашув билан тавсифланади. Булар, анъанавий ёндашув ва инновацион ёндашув. Анъанавий ёндашувда микдорий-харажатли мақсадларга эришишга эътибор қаратилса, инновацион ёндашувда эса асосий эътибор сифатли ва самарали жараёнга қаратилади. Демак, самарадорликни баҳолашнинг хорижий усулларидан инновацион ёндашув ҳозирги кунда иқтисодиёти энг ривожланган мамлакатларда қўлланилиб келаётганлигини юқоридаги жадвал маълумотларида кўришимиз мумкин. Айнан шу масала юзасидан россиялик иқтисодчи Р.Б. Гамидуллаев ҳам ўз тадқиқотлари давомида самарадорликни баҳолаш методикасини ишлаб чиқганини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

МУҲОКАМА

Бир қатор россиялик олимлардан О.В.Глеба ва В.С.Шпекалар кичик ва ўрта корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг муаммоли жиҳатларини ўрганган ҳолда, қўйидаги фикрлари илгари сурилган. “Кичик ва ўрта бизнеснинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш керакки, ушбу тадбиркорлик субъектларининг ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатиши уларнинг муваффақияти инновациялар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади”. Демак, кичик бизнес бошқарувида инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, айниқса рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида ўта долзарблиги билан аҳамиятлидир. Фикримизнинг исботи сифатида иқтисодчи Е.И.Левинанинг қарашларини келтириш ўринли. “Кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлатлашнинг ривожланиши билан иқтисодиёт демонополизацияси, янги иш ўринларининг пайдо бўлиши, худудларда бозорларнинг шаклланиши ва инновацион фаолиятнинг ривожланишини таъминлайди”.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда давлатнинг тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш чоралари тизимининг ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида самарали ишлашида аввало хориж тажрибасини амалиётга босқичма-босқич жорий қилиниши нафақат соҳани ривожлантиради, балки жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширади. Юқорида келтирилган хориж тажрибасини таҳлил қилган ҳолда қўйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

- кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

- янги фаолиятини бошламоқчи бўлган стартапларга ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий, психологик томонлама кўмак чора-тадбирларини амалга ошириш;
- хориж амалиётида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда юқори самарадорлик кўрсатиб келаётган маслаҳат (консалтинг) марказлари фаолиятини мамлакатимизда изчил такомиллаштириш;
- ҳар бир вилоятлар кесимида бизнес инкубаторлар ташкил қилинишига эришиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш лозим.

REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёевнинг Худудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва ахоли бандлигини таъминлаш видеоселлектор йигилишидаги нутқидан 8.04.2021.
2. Сатторқулов О.Т., Мухамадиев Т.Ж., Исройлова У.А. Кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари. Молодой учёный. 2020.- №9 С. 215-217. <https://moluch.ru/archive/299/67475/>
3. Быкова Н.В. Оценка эффективности государственной поддержки малого предпринимательства. Диссертация на соискание учёной степени кандидата экономических наук доктор экономических наук. Специальность: 08.00.05 Санкт-Петербург 2018. с. 57.
4. Ясина Б.Г., Чепуренко А.Ю., Буева В.В. Малое предпринимательство в России: прошлое, настоящее и будущее. М: Фонд «Либеральная миссия» 2003. – стр-137.
5. Гамидуллаев Р.Б. Разработка методики оценки эффективности государственной поддержки малого инновационного предпринимательства в РФ/ Государственное управление. Электронный вестник. – 2012 – № 32 – С. 4
6. Глеба О.В., Шпека С.В. «Проблемные аспекты государственной поддержки малого и среднего предпринимательства». «Санкт-Петербургский институт внешнеэкономических связей, экономики и права» г. Наро-Фоминске Московской области. МОН-29, Глеба, Статья.pdf mgimo.ru
7. Rakhmonovna M. D. A System of Government Regulation and Support Measures to Improve Small Business Governance in the Digital Economy //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2022. – T. 14. – C. 93-97.
8. Rakhmonovna M. D. Foreign Experience In Regulating And Supporting Small Business By The State //Eurasian Journal of History, Geography and Economics. – 2022. – T. 5. – C. 22-26.
9. Rakhmonovna M. D. TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Conferencious Online. – 2021. – C. 57-60
10. Rakhmonovna M. D. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT 2021
11. Rakhmonovna M. D. UNDERSTANDING THE ESSENCE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE BASIS FOR IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT
12. Makhmudova D., Kholikulov A. FINANCIAL SUPPORT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Интернаука. – 2020. – №. 4-3. – C. 38-39

13. Rakhmonovna, Makhmudova Dilbar. "RESEARCH PARK." (2021).
14. Dilbar, M. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT.
15. М.Д.Рахмоновна СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. VIII Международная научно-практическая конференция «SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD: CHALLENGES OF THE XXI CENTURY» 2021. Том. 2. С. 40-43
16. MD Rakhmonovna “The Role and Importance of Small Business in Shaping the Digital Economy” American Journal of Economics and Business Management 4 (8), 82-90, 2021
17. D.Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A6), 516-523, 2022
18. D. Maxmudova “Рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида кичик бизнеснинг бошқарув тизимини такомиллаштириш” Science and innovation 1 (A5), 440-448, 2022
19. Холиқулов А.Н. Махмудова Д.Р. Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш. Монография. Самарқанд 2020.
20. Фойибназаров Б.К., Рахмонов Ҳ.Ў. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётини юксалтириш омили”. Т: Фан. 2011-184 б.
21. United Nations Economic Commissions for Europe: Leasing, Lessons of Experience, prepared for the Southeast European Cooperative Initiative, 2013.